



---

*З*  
**мавзу. ИСТЕММОЛЧИЛАРНИНГ  
ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**



Тошкент – 2020

# **РЕЖА:**

**1.Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонуни.**

**2.Истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари.Ўзбекистон истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси.**

# 1.Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонуни.



- ❖ Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонуни 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган бўлиб, 29 бобдан иборат.
- ❖ Қонунда истеъмолчиларнинг қўйидаги асосий ҳуқуқлари келтирилган:
- ❖ товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;
- ❖ товар (иш, хизмат) ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;
- ❖ товар (иш, хизмат) нинг хавфсиз бўлиши; ҳаёти, соғлиғи ва мол – мулки учун хавфли нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажми қопланиши;
- ❖ бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза етиладиган манфаатларининг ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш;
- ❖ истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш.
- ❖ истеъмолчиларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлар тоифасига киритилган айрим групҳлари учун қонун ҳужжатлари билан савдо, майший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар ва афзалликлар белгиланиши мумкин.



- ❖ **Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи), савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисида маълумот.** Ишлаб чиқарувчи ўз корхонасининг номи ва жойлашган (юридик) манзили ҳақида истеъмолчини хабардор қилиши шарт. Бундай маълумот ишлаб чиқариш маркаси ёки товар белгисида кўрсатилган бўлиши ёки бошқа усуlda тақдим этилиши лозим.
- ❖ Сотувчи (ижрочи) ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган (юридик) манзили ва иш тартибини истеъмолчига хабар қилиши шарт. Бундай маълумот лавҳада акс эттирилиши лозим.
- ❖ Бу маълумот савдо ва хизмат кўрсатиш муваққат бинолар, ярмаркалар, кўчма дўйончалар орқали амалга оширилган ёки савдо ва хизмат кўрсатиш сотувчи (ижрочи) нинг доимий жойлашган манзилидан ташқарида амалга оширилган бошқа ҳолларда ҳам истеъмолчиларнинг эътиборига етказилиши керак.
- ❖ Сотувчи (ижрочи) истеъмолчига товарлар савдоси, майший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатишнинг қоидалари тўғрисида тўлиқ маълумот бериши шарт.

- ❖ **Товар (иш, хизмат) лар тўғрисидаги маълумот.** Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат) хақида ўз вактида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот берниши шарт.
- ❖ Товар (иш, хизмат) хақидаги маълумотда қуийдагилар кўрсатилиши шарт:
- ❖ товар (иш, хизмат) мажбурий талабларга мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи;
- ❖ товар (иш, хизмат) нинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан, ўзига хос хусусиятлари рўйхати;
- ❖ баҳоси (тарифи) ва сотиб олиш шартлари;
- ❖ айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси;
- ❖ ишлаб чиқарувчи (ижрочи) нинг кафиллик мажбуриятлари; товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ва шартлари;

# **2.Истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари.Ўзбекистон истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси.**



- ❖ Истеъмолчилар ўз хуқуqlари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ихтиёрий равишда истеъмолчилар бирлашмаларини тузишлари мумкин.
- ❖ Истеъмолчиларнинг бирлашмалари ўз фаолиятини қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширувчи жамоат бирлашмаларидир. Бундай жамоат бирлашмаларидан бири Ўзбекистон истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳисобланади.
- ❖ Мазкур федерациянинг фаолият йўналишлари:
  - ❖ республика истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган барча қонун, қарор ва фармонларнинг ижросини таъминлаш йўлида бошқарув органларига яқиндан кўмаклашиш;
  - ❖ қонун хужжатларини ўрганиш бўйича турли семинарлар, ўқув марказларини ташкил этиш, сұхбат ва учрашувлар ўтказиш, аҳоли ўртасида турли оммавий тадбирларни уюштириш;
  - ❖ аҳолининг ижтимоий, иқтисодий, хуқуқий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилишга доир тадбир ва таклифларни ишлаб чиқиб, давлат, бошқарув ва назорат органларига мурожаат этиш ва уларни ҳаётга татбиқ қилишда бевосита қатнашиш;
  - ❖ семинарлар, симпозиумлар, конференциялар уюштириш;
  - ❖ халқаро мутахассис ва экспертлар иштирокида турли хил лойиҳа ва дастурлар яратиш;
  - ❖ товар ишлаб чиқарувчи, сотувчи, ижрочи, хизмат (иш) кўрсатувчилар томонидан истеъмолчилар хуқуқлари бузилишининг олдини олиш, ҳуқуқлар бузилганда ваколатли давлат, бошқарув, назорат ва ҳуқуқ – тартибот идоралари, судларга мурожаат этиб, етказилган моддий ва маънавий зарарни айборлар томонидан қопланишига эришиш;

- ❖ иштеймалчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш борасида жамоат назоратини амалга ошириш;
- ❖ иштеймалчилар манфаатлари юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига мурожаат қилиш ва таклифлар билдириш;
- ❖ иштеймалчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини таомиллаштириш юзасидан ташаббускорлик кўрсатиш;
- ❖ ўз аъзоларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш, ҳимоя қилиш;
- ❖ иштеймалчилар ҳуқуқига тааллуқли меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишида қонунчиликда белгиланган тартибда қатнашиш;
- ❖ иштеймалчилар манфаати йўлида уй – жой қурилиш, лойиҳа – конструкторлик, баҳолаш ва якка тартибдаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш;
- ❖ иштеймалчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш мақсадида мониторинглар, ижтимоий сўровлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;
- ❖ ўзининг рамзий белгиларини таъсис этиш;
- ❖ оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;
- ❖ ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўтказиш;



- ❖ Федерация кенгашининг мажлисларини тайёрлаш ва олиб бориш; Федерациянинг худудий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириш;
- ❖ Федерация қошидаги корхона, ташкилот ёки муассасаларнинг фаолиятини уюштириш;
- ❖ Банкларда ҳисоб рақамларини очиш;
- ❖ Федерация манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда республика ҳудудида ёки чет элларда фаолият кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро манфаатли шартномаларни тузиш;
- ❖ Федерация кенгашининг қарорларини имзолаш;
- ❖ Федерация кенгашининг фаолиятига оид буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
- ❖ Давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, шу жумладан, чет элларда истеъмолчиларни ва федерация манфаатларини ҳимоя қилиш;
- ❖ Кадрларни танлаш ва жой – жойига қўйиш ва бошқалар.